Киши билан ширк ва куфр ўртасида намозни тарк қилишгина бор

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Киши билан ширк ва куфр ўртасида намозни тарк қилишгина бор».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам фарз намозни тарк қилишдан қайтардилар. Киши ва ширкка ёки куфрга тушиб қолиш ўртасида фақат намозни тарк қилиш туради. Намоз ислом рукнларининг иккинчиси ва исломда унинг қадри улуғ. Ким уни вожиблигини инкор қилса, кофир бўлишига уламолар ижмоъ қилишган. Ким эътиборсиз ва такасалтанглик қилиб барча намозларни ташласа ҳам кофир экалигига саҳобалар ижмоъ қилгани нақл қилинган. Ким баъзида ўқиб баъзида тарк қилса шу таҳдид остига тушиб қолиш эҳтимоли бор.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65093